



ЎЗБЕКИСТОНДА НОРАСМИЙ БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ ПАСАЙТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ш.Садуллаев

мустақил изланувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10612797>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-January 2024 yil

Ma'qullandi: 28- January 2024 yil

Nashr qilindi: 31- January 2024 yil

KEY WORDS

меҳнат бозори, норасмий бандлик, норасмий бандлик даражаси, иқтисодий фаол аҳоли, коррупция, ўз-ўзини банд қилиш, солиқ тўлашдан қочиш, ижтимоий ҳимояланмаганлик, аҳоли турмуш даражаси

ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорида норасмий бандлик шакллари пайдо бўлиши, уни оқибатлари, ҳамда меҳнат муносабатларининг ушбу шакллари қисқартириш масалалари ёритиб берилган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда аҳолининг норасмий меҳнат билан бандлиги масаласи ва унинг даражасининг юқорилиги мамлакатимиз иқтисодиёти ва ҳаётида анча жиддий муаммоларга сабаб бўлаётганлиги соҳа мутахассислари олдида унинг қўламини аниқлаш ва самарали тартибга солиш вазифасини қўймоқда.

Норасмий бандлик долзарб муаммо сифатида бутун дунё олимлари ва амалиётчилари томонидан ўрганилиб, ушбу ҳодисанинг манбаси ва сабабларига қуйидагилар киради:

- иқтисодий ўсиш сифатининг пастлиги,
- мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг етарли даражада юқори эмаслиги,
- демографик ўсишнинг юқори даражаси,
- ходимлар ижтимоий ҳимоясининг пасайиши,
- тенгсизлик ва қашшоқликнинг ўсиши,
- ислохотларга меҳнат бозорининг мослашувчанлиги,
- давлат даромадларининг камайиши,
- глобаллашув шароитида компанияларнинг адолатсиз рақобатлашувининг тарқалиши каби ҳолатлар, деб ҳисобланади [1].

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) норасмий бандликни товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи ва сотувчи ва ўз-ўзини банд қилган мустақил ишлаб чиқарувчилар кичик хўжалик бирликларининг фаолияти сифатида қайд қиладилар. Уларда оила аъзоларининг ва ёлланма ишчиларнинг меҳнатидан фойдаланилади.

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда рўйхатга олинмаган меҳнатнинг турли шакллари мавжуддир. Норасмий бандликнинг ривожланган

мамлакатлардаги кўлами анча пастдир, ва ривожланаётган мамлакатлардагидан бошқача шаклларда бўладилар. Ривожланган мамлакатларда “норасмий” секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 5—10% ни ташкил қилса, ривожланаётганларда унинг улуши – 35% гача етади.

Кўпчилик аҳоли ҳам “расмий”, ҳам “норасмий” секторларда биргаликда ишлайдилар. Булар асосан, маъмуриятнинг ташаббуси билан тўлиқ бўлмаган иш ҳафтасида ишлайдиганлар ёки мажбурий таътилда бўлганлардир. Кам иш ҳақи оладиганлар, иш тартиби анча эркин бўлганлар ёки иш жойининг ўзида кўшимча даромад топадиган норасмий бандликка интилувчан бўладилар.

Норасмий бандликнинг хилма-хил шакллари мавжуддир. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

- тармоқлар бўйича — таълим, тиббиёт, турли хизматлар кўрсатиш (кийим тикиш, таъмирлаш, қурилиш, савдо, масалан, “олиб-сотарлик”) соҳаларида;
- ташкилий — яқка банд бўлганлар, рўйхатга олинмаган кичик хўжалик бирликларининг эгалари; юридик ташкилотлардаги расман рўйхатга олинмаган ходимлар, расман рўйхатга олинган, лекин ўз иш жойида ҳисобга олинмайдиган фаолият билан шуғулланадиганлар;
- даромадларда норасмий бандликнинг турлича бўлиши. Ушбу гуруҳга фақат норасмий даромад оладиган шахслар киритилади; норасмий иш ҳақи асосий даромади бўлган шахслар; “расмий” ва “норасмий” секторда ўриндошлик қиладиган шахслар (норасмий бандлик даромадларининг асосий қисмини бермайдиганлар).

Норасмий бандликнинг барча турлари умумий белгиларга эгадир – капитал бозоридан, касбий тайёрлаш муассасаларидан, ижтимоий таъминот тизимидан фойдалана олмаслиги, ҳуқуқий ҳимояга эга эмаслиги билан боғлиқ бўлган нобарқарорлик хусусиятига эгадир.

Меҳнат бозорининг яширин соҳада бўлган қисмининг мавжудлиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатади. Бюджетга пул маблағлари тушмайди, солиқ тушумлари камаяди, бу эса ижтимоий соҳани молиялаштиришда қийинчиликлар туғдиради.

У кўп жиҳатдан аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб кетиши ва ишсизликнинг ошиб кетиши олдини олади, “норасмий” секторда банд бўлганлар арзон товарлар ва хизматлар етказиб берадилар, ўзларига мос бўлган иш тартибини танлаш имкониятига эга бўладилар. Норасмий бандликнинг ривожланиши иқтисодиётни бозор томонидан тартибга солишининг бир кўринишидир.

Аммо, норасмий бандлик қатор ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. У жамиятнинг жиноятлашувига шароитлар яратади. “Норасмий” секторда ижтимоий кафолатлар, меҳнат шароитларини, товарлар ва хизматлар сифатини назорат қилиш мавжуд бўлмайди, норасмий бандлар кўпинча малакасини, касбий кўникмаларини йўқотадилар. Даромадларни солиққа тортишдан яшириш натижасида давлат катта маблағлардан қуруқ қолади. Норасмий бандликни, шу билан бирга даромадларни солиқдан яширишни тўлиқ бартараф қилиш имконияти йўқдир. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш натижасида норасмий даромадлар олиш миқёсларини қисқартириш мумкин бўлади, чунки кичик ва ўрта бизнес норасмий ишлаб чиқариш бирликларини рўйхатга олиш имконини беради.

Аҳолининг норасмий меҳнат билан бандлиги кўплаб салбий оқибатлар билан боғлиқ:

- солиқларни тўлашдан бўйин товлаш,
- коррупция,
- ноқонуний фаолият,
- инвестицияларнинг паст даражаси,
- тақсимланмаган ресурслар,
- ижтимоий суғурта қилинмаган ходимлар ва бошқалар.

Кўп ҳолларда давлатнинг дастлабки ёндашуви норасмий фирмалар ва тадбиркорларни таъқиб қилиш, шунингдек, расмий ижтимоий ҳимоя тизимига эга бўлмаган норасмий меҳнат билан бандларга ёрдам бериш эди.

Бу норасмий секторнинг моҳиятини аниқлаш учун ҳам аҳамиятлидир. Биринчидан, аҳолининг норасмий меҳнат билан бандлиги ноиложликдан ҳисобланади. Норасмий меҳнат билан банд фуқаролар, агар расмий иш ўринлари мавжуд бўлганида расмий бандликни афзал кўрган бўлар эди, чунки расмий иш ўринларида кўпроқ иш ҳақи тўланади ва меҳнат қонунчилигида мажбурий имтиёзлар тақдир қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги маълумотларига кўра, 2022 йилда жами иқтисодий фаол аҳоли 14,98 миллион кишини ташкил қилган. Ундан жами 13,7 миллион киши иш билан банд бўлиб, уларнинг 6,5 миллиони (47 фоизи) расмий секторда банд бўлганлар. Демак, мамлакат иқтисодий фаол аҳолисининг 7,2 млн. нафари ҳеч қаерда расман ишламайди. Шунини айтиб ўтиш керакки, аҳолининг ушбу қатлами “ишсизлар” эмас. Уларнинг кўпчилиги доимо иш билан бандлар, лекин ҳеч ким билан шартнома тузмаганлар ва кўпинча солиқ тўламайдилар.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами норасмий секторда банд бўлганларнинг энг катта улуши, яъни 34 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида меҳнат қилади. Худди шу кўрсаткич савдода 14 фоиз, қурилишда 14 фоиз ва саноатда 11 фоизни ташкил этади [2].

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда норасмий секторда банд бўлганлар сони маълум даражада пасайган. Норасмий бандлар улуши 2020 йилда 43 фоиздан 2022 йилда 40 фоизга камайган. Бундан ташқари, Президентнинг 2022 йил 30 августдаги «Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида норасмий бандликни камайтириш бўйича таъсирчан янги механизмларни жорий қилиш, шунингдек, ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, солиқ соҳасида қулайликлар яратиш, тадбиркорликни рақамлаштириш ва ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринларини ташкил қилиш кўзда тутилган [3]. Хулоса қилиб айтганда, республикада норасмий бандлик даражасини қисқартириш давлатнинг ўрни жуда катта бўлиб, бу соҳада коррупцияга қарши чора-тадбирларни кучайтириш, ўзини-ўзи банд қилишнинг турли шаклларида фойдаланиш, солиқ имтиёзлари бериш, кичик бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш, яқка тадбиркорлик билан шуғулланётганларга субсидиялар бериш масалаларига жиддий эътибор қаратиш зарур бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзакаримова М.М., Олимжонова Ш. Норасмий бандлик ва уни легаллаштириш масалалари. “Иқтисод ва молия”. 2014.12. 52 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 30.08.2022 йил ПҚ-366-сон қарори. Lex.uz

